




ТОШКЕНТ



ОҚШОМ

Мамлакатимизда

- Олий Мажлис Кенгашининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 2000 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот муҳокама қилинди.
- Республика ҳукумати ҳузурида давлатлараро ва минтақавий сув ҳўжалиги масалаларини мувофиқлаштириш бўйича республика штаби ташкил этилди.
- Кеча ва ўтган кун ичун мамлакатимизда Наврўз байрамга бағишланган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.
- Бугун Тошкентдаги журналистларни қайта тайёрлайдиган халқаро марказда «Немис тўлкини» телерадиостанцияси томонидан ташкил этилган икки ҳафталик семинар бошланади.
- Навойда шаҳар ноғиронлари жамияти томонидан ташкил этилган театр студияси очилди.
- Ички ишлар вазирлигининг академиясида мамлакат мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган «Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан алоқалари» мавзудаги илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.
- Наманган Давлат университети ҳуқуқшунослик факультети қошида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш маркази ташкил этилди.
- Осиё тараққиёт банкнинг пойтахтимиздаги ваколатхонасида Ўзбекистонда кам таъминланган оилалар турмушини яхшилаш ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича мазкур банк ва Ўзбекистон ҳукумати томонидан ҳамкорликда тайёрланаётган лойиҳага бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.
- Андижон туманининг Бутакора қишлоғидаги Мехрибонлик уйда янги тиббиёт бўлими ишга тушди.

Жаҳонда

- Ўзбекистоннинг Деҳлидаги элчихонасида Хиндистонда Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган тадбирларнинг ўтказилиши доирасида концерт бўлди.
- Бугун Эрон Президенти Мўхаммад Ҳотамий ўзининг Москвага уч кулик ташрифини бошлади. Бу Эрон Президентининг 1979 йилги Ислон инқилобидан сўнгги Россияга дастлабки ташрифидир.
- Ўтган шабба кунги Абхазияда маҳаллий ҳокимият органларида сайловлар бўлиб ўтди. Кеча Грузия мўмурлари ушбу сайловларни ноқонуний деб эълон қилдилар.
- Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин шабба кунги БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан афғон толибонларига қарши жаҳо чораларига Россиянинг ҳам қўшилиши ҳусусидаги Фармонга имзо чекди.
- Бугун Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев расмий ташриф билан Анкарага йўл олади. Учрашувлар чоғида Боку — Жайхун нефть қувири лойиҳасини амалга ошириш, Озарбайжон газини Туркияга экспорт қилиш лойиҳаси истиқболлари, шунингдек ҳарбий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинади.
- Руминиядаги бир қатор етакчи сиёсий партиялар мамлакатнинг НАТОга кириш йўлидаги сазй-ҳаракатларини қўллаб-қувватловчи кўшма баёнотини эълон қилди.
- Киевда Украина Президенти маъмурияти биноси олдида милиция билан Л. Кучманинг истеъфосини талаб қилаётган намоийишчилар ўртасида тўқнашувлар содир бўлди. Тўқнашувлар пайтида 12 милиционер, кам деганда 20 намоийишчи жароҳатланди. Украина хавфсизлик хизмати Киевдаги оммавий тартибсизликларнинг ҳолати бўйича жиноий иш қўзғади.
- Молдова Миллий-либерал партиясининг раҳбарияти шабба кунги истеъфо берди. Яқинда бўлиб ўтган парламент сайловларида партия 6 фойзлик маррадан ўтолмади ва парламент таркибига кира олмади.
- Италия Президенти Карло Чампи мамлакат парламентини тарқатиб, республикада янгида сайловлар ўтказилаётгани баён қилди.
- Кеча минглаб намоийишчилар Индонезия Президенти А. Вохидининг истеъфосини талаб қилиб, Жакартнинг марказий кўчаларини тўсиб қўйдилар. Улар Президентни коррупцияда ва мамлакатнинг турли қисмларида этник қабилаларнинг тўқнашувига хотима қўймаганлигида айболомқдалар.
- Ўтган шабба кунги БМТ Бош қотиби Кофи Аннанинги Жанубий Осиё мамлакатлари бўйлаб сафари бошланди. У Покистон, Непал, Бангладеш ва Хиндистонга боради.
- Кеча Францияда ҳокимиятнинг маҳаллий органларига сайловларнинг биринчи босқичи ўтказилди. Яқинда шабба кунги сайловларнинг иккинчи босқичи бўлиб ўтди.
- Кеча Серб ҳукумати вакиллари ва албан исёнчилари Сербиянинг жанубида Косово чегарасида ўт очирини тўқатиш ҳусусидаги музокараларни давом эттирдилар. Музокаралар НАТО вакилларининг воситачилигида бўлиб ўтмоқда.
- Шимолий Корея ва Бразилия дипломатик муносабатларни ўрнатдилар. Томонлар яқин вақт ичида элчиларни айирбошлаш режалаштиришмоқда.
- Украина ва НАТО сув тошқинлари устидан ягона назорат тизимини яратишни режалаштирмоқда. Шунга қарамай, рўй берган ҳозирги табиий офат оқибатида ҳалок бўлганлар сони еттига тагапти.

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 30 (9.527) 2001 йил 12 март, душанба

Сотувда эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА САТЛАРДА

- ♦ **МИРОБОД** тумани ҳокимлигида анъанавий «Ташаббус — 2000» кўригининг туман миқёсидаги тадбири ўтказилди.
- ♦ **РЕСПУБЛИКА** Байналмилал миллий маданий марказининг Ўзбекистон Бадий академияси билан ҳамкорликда Аналар ва болалар йили ҳамда яқинлашиб келаётган Наврўз айёмига бағишланган «Она ва бола — гул билан лола» мавзудаги анжуман ўтказилди. Шунингдек, Рус миллий маданий маркази ташаббуси билан «Энг ёқимли опера асарлари» дея номланган тадбир ҳам бўлиб ўтди.
- ♦ **АЛИШЕР** Навоий номидаги ўзбек Давлат академик Катта театрида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мавлуда Уринбоева ҳамда Шоҳида Тўхтабоева-

ларнинг ижодий кечаси ўтказилди.

♦ **ШАЙХОНТОХУР** туманидаги 1-шаҳар клиник шифохонасида замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган беморларни қабул қилиш бўлими очилишининг тақдирот маросими ўтказилди. Шуниси эътиборлики, ушбу бўлимдан ташқари Наврўз айёмига яна 4 та бўлим қайта таъмирланади.

♦ **ТОШКЕНТ** Давлат шарқшунослик институтида япон тилини ўрганаётган ёшлар иштирокида «Япон тили бўйича нотиклик санъати» деб номланган кўрик-танлов ўтказилди.

♦ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат Жаҳон тиллари университетида талабаларга замонавий билим берувчи, янги адабиётлар билан бойитилган кутубхона ишга тушди. Энг муҳими бу кутубхонага яқин кўчаларда компьютерлар ҳамда бошқа техник воситалар келтирилади.

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА

Барча учун қулай ва манфаатли

Кейинги йилларда республикада энергия манбаларидан тежамкорлик билан фойдаланиш йўллари излаш зарурати пайдо бўлди. Бу борадаги оқилона ва энг муҳим йўналишлардан бири эса, шўбҳасиз — иссиқ ва совуқ сув, газ истеъмолчиларининг ушбу табиий бойликлардан тежамкорлик билан фойдаланишларини таъминлаш мақсадида сув ва газ сарфларини ўлчовчи анжомларнинг кенг қўлланилишидир. Албатта сув ва газни меъёридан ортиқча ишлатиш уларнинг шахримиз аҳолисига етказиб берувчи корхоналар, жумладан мазкур юмуш билан 17 йилдан буён шуғулланаётган «Тошиссиқликкуввати» ишлаб чиқариш биришмаси учун ўзига хос муаммоларни тугдиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йилнинг май ойида чиққан уй-жой фондлари ва ижтимоий-маданий йўналишдаги объектларда сув ва газ сарфини ҳисобловчи анжомларни ўрнатиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қарори бу борадаги ишларнинг янада ривожланишига кенг йўл очди. Бугунги кунда газ ва сув ўлчаш анжомлари ўрнатилган ва бу борада бевосита шартномалар тузилган ҳусусий хонадон ва уйларнинг сони ўн мингга яқинлашиб қолди. Ва бу кенг қўламдаги ишнинг бошланиши бўлиб, иссиқ сув ва газ сарфини ўлчовчи анжомларни ўрнатиш сўратлари жаддаллашиб бормоқда.

Ўлчигичларнинг ўрнатилиши охир-оқибатда ҳар иккала томон — ҳам «Тошиссиқликкуввати» корхонаси, ҳам пойтахт аҳолиси учун манфаатли эканлигини таъкидлаб ўтишга ҳоҳат бўлмаса керак. Бинобарин, корхона учун бу захираларни тежаш, сансалорлик ва кишиларнинг масъулиятсизлиги билан курашиш, пуллар йиғинини янада аниқроқ ташкил қилиш тизими бўлса, аҳоли учун ўз шахсий маблағларини тежаш, янада тартибли ва масъулиятли бўлишига имкон беради. Оилавий бюджет учун бу жуда ҳам қулайдир. Газ ва сув ўлчигичлар орқали тўловларнинг тахлили шуни кўрсатдики, бунда маблағ ўрта ҳисобда икки баробар миқдорда тежалмоқда. Яъни ўлчигич ўрнатилган уч киши истиқомат қилувчи хонадонда иссиқ сув учун ойига 256 сўмдан 370 сўмгача тўлашса, худди шунақа киши истиқомат қилувчи оддий хонадонда мазкур хизмат 600 сўмга тушади. Шунинг ҳам унутмаслик кераки, ўз маблағларини тежаш учун истеъмолчи сувдан ҳам тежамкорлик билан фойдаланишига тўғри келади. Бу эса бутун республика ва унинг сув захиралари учун фойдадан ҳоли эмас, албатта.

Ўлчигич анжомларининг нархи албатта арзон эмас. Масалан, «Тошкент — Ценнер» кўшма корхонасида тайёрланган ўлчигичнинг нархи 16 минг сўм бўлса, мураккаблигига қараб уни ўрнатиш тахминан 5-7 минг сўмга тушади. Ва уни олиб ўрнатишнинг умумий қиймати 21-23 минг сўмларга тушади. Бу анчагина қimmat. Бироқ шундай йўл ҳам бор: анжомлар қийматини икки йилгача бўлган муддатга иссиқ сув таъминоти учун тўловнинг умумий тўлов суммасига киритишни ҳам кўзда тутса бўлади. Бундан ташқари, мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ўз харажатларини қоплаш муддати уч йилни ташкил этади.

Ушбу миқдорнинг барча томонларини тарозининг «палласига» қўйган ҳолда узоқ муҳокама қилиш мумкин, бироқ бир нарса аниқ: бизнинг шартномимизда бу энг мақсадга мувофиқ иқтисодий йўналиш бўлганлиги сабабли ўлчаш анжомларига «яшил чирок» очилди.

(Ўз мухбиримиз)

ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КўКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ

Ҳашар — ҳаммага ярашар

Халқимизнинг ушбу мақоли замирида жуда катта маъно бор. Чиндан ҳам қадимдан халқимиз ҳашар йўли билан кўпгина юмушларни адо этишган.

Ўтган шабба ва кечаги кун пойтахтимизда аҳолининг уюшқоқлик билан катта ҳашарлар ўтказган кун бўлиб қолди. Шаҳримизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги муносабати билан кенг қўламдаги ишлар амалга оширилди. Бунда 7 ғшдан 70 ғшгача бўлган юрағида ўти, билагада ғайрати бўлган кишилар иштирок этди. Пойтахтимизнинг ҳамма туманларида бўлиб ўтган ҳашарларда катта ободончилик ва кўкаламзор-



СУРАТЛАРДА: туманда ўтказилган ҳашар пайти. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

лаштириш ишлари бажарилди. Жумладан Шайхонтохур туманида амалга оширилган ишлар ҳам салмоқли бўлди. Маълумки, Ибн Сино даҳаси туманининг янги ва навқирон турар жой даҳаларидан биридир. Бу ердаги бири-бирдан чиройли, осмонўпар бинолар даҳа хуснига хус қўшиб турибди. Бинобарин ўтган шабба кун даҳада бўлиб ўтган ҳашар ҳам жуда уюшқоқлик билан ўтди. Унда тумандаги ташкилотлар ва корхоналарнинг хизматчилари, маҳаллаларнинг аҳолиси фаоллик кўрсатишди. Ҳашарга чиққанлар ҳамжихатлик кўрсатиб, янги истироҳат боғининг худудини ораста қилдилар. Маълумки, ушбу истироҳат боғида 21 марш кўни — Наврўзи олам куниде халқ сайилари бўлади. Бу ерга 1500 түп ниҳол ўтқа-

зилди. Бу ниҳоллар кўкка бўй чўзиб, туман, қолаверса даҳа чиройига ўзгача чирой қўшади. Шунинг ҳам айтиш кераки, туманда жойлашган ҳар бир корхона ва ташкилот бу ердаги чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш учун ўз машиналарини ва худудини ораста-лаш учун керак бўладиган воситаларни ажратдилар.

Бу ҳашар шу кезларда Шайхонтохур туманида ўтказилаётган ҳашарлардан бири бўлди. Шунинг айтиш кераки, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги кизгин давом этаётган шу кунларда туманининг ҳар бир аҳолиси дарахт ўтказиш, кўчаларни супуриб-сидиришга чиқмоқдалар, бир сўз билан айтганда, Наврўз байрамини ҳамма нарса тахт бўлишига ҳисса қўшмоқдалар.

(Ўз мухбиримиз)

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

«Ташаббус — 2000» танловининг шаҳар босқичини ўтказиш тўғрисида

Тадбиркорлик ва халқ унармандчилигини ривожлантириш, Тошкент шаҳрининг энг яхши тадбиркорлари ва унармандларини аниқлаш, уларнинг касб-маҳорати ва тажрибасини оширишга ҳамкорлик қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар ва унармандларнинг «Ташаббус — 2000» республика танловининг пойтахт миқёсида Тошкент шаҳар ҳокими соврини учун шаҳар босқичини ўтказиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимининг «Тошкент шаҳар ҳокими соврини учун республика «Ташаббус—2000» танловининг шаҳар босқичини ўтказиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Унга мувофиқ Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг «Ташаббус—2000» танловининг туман ва шаҳар босқичларини 2001 йилнинг март ойида ўтказиш тақлифи маъқулланди.

«Ташаббус—2000» танловининг шаҳар босқичини ўтказиш бўйича ташкилий кўмитаси таркиби, танловни ўтказиш тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

«Ташаббус—2000» танловининг шаҳар босқичини ташкил этиш ва ўтказиш шаҳар кўмитасига, туман босқичларини ташкил этиш ва ўтқа-

зиш туман ҳокимлари зиммасига юклатилди.


Шаҳар танловини ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар давлат мулкчи бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Бизнес-фондининг Тошкент шаҳар бўлими, «Ўзтадбиркорбанк» акционерлик-тижорат банкнинг амалиёт бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг Тошкент шаҳар бўлими, «Ўзуйжойжам-фармабанк» Тошкент шаҳар бўлими,

«Ўзсанотқурилишбанк»нинг Тошкент шаҳар бўлими ўртасида сарф-харажатлар режаси бўйича улушдошлик асосида амалга оширилиши белгиланди.

«Ташаббус—2000» танловининг шаҳар босқичини ўтказиш бўйича кетидиган сарф-харажатлар белгиланган улушдошлик асосидаги маблағ билан таъминланиши Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳисоб рақами орқали амалга оширилади.

Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан ажратилган пул маблағларини белгиланган мақсадларга сарфланишини таъминлаш таъкидланди.

«Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталари тахририятига «Ташаббус—2000» танловининг боришини ва унинг голибларини матбуот саҳифаларида ёритиб бориш тақлиф этилди.



«Пахтакор»да тўплар ёмғири

Мана ниҳоят янгилаш ва ёшариш байрами арафасида ўлкамизга катта футбол ҳам кириб келди. Ўтган шабба кун хаво булут бўлиши ва ёмғир томчилаб туришига қарамадан футболнинг асл ишқибозлари олий лига жамоалари ўртасида ўинчи мавсумнинг дастлабки ўйини — «Пахтакор» ва Термизнинг «Сурхон» командалари баҳсининг шохиди бўлиш учун ўйингоҳга фойзтароват бахш этган ҳолда уни тўлдирдилар. Узоқ-яқиндан меҳмонларни чорлаган карнай-сурнай садолари, эстрада хонадаларининг чиққиллари мавсумдаги дастлабки ўйинга том маънода байрамона руҳ бағишлади.

К.Сосенко, Г.Шарипов, С.Майборода, У.Асанбоев, А.Власичев, В.Пономарёв, Ш.Раҳмонқулов, С.Ходиев, М.Қурбонов. Ишқибозларнинг кизгин қўллаб-қувватлашлари остида ҳамшаҳарларимиз ўйинни ҳужумкор руҳда бошлаган бўлсалар-да, рақиблар дарвозасини узоқ вақтгача забт эта олмадилар. Ўйиннинг 38-дақиқасида бўш қолган дарвозанинг юқори бурчагига кираётган тўпни «Сурхон» ҳимоячиси Ойбек Бердимуродов қўли билан қайтарганлиги учун ҳакам қўлол қондабузарни майдондан четлатган ҳолда пенальти белгиледи. «Пахтакор»нинг энг тажрибали ўйинчиси Собир Ходиев уни қойиллатиб адо

этган ҳолда ҳисобни очди. Иккинчи бўлимда пахтакорчилар суръатини янада оширдилар. Учрашув қаҳрамони Собир Ходиев 49 ва 52-дақиқаларда яна икки бор рақиб дарвозасини забт этгач, ўйин тақдирини ҳал бўлди. Орадан кўп ўтмасдан Улғубек Асанбоев тўртинчи тўпни киритди. 70-дақиқада эса дарвозабон қўлидан чиқариб юборган тўпни зарб билан дарвозага аниқ йўллаган ҳолда иккинчи таймда майдонга тушган Алексей Жданов ўйиндаги сўнгги нуқтани қўйди — 5:0.

Шундай қилиб, дастлабки ўйинда «Пахтакор» йирик ғалабага эришти.

КЕЧА

шаҳримиздаги «Трактор» ўйингоҳида ҳам янги мавсум



байрамона тарзда очилди. Чемпионатга пухта тайёрлар кўрган «Трактор» мамлакатимизнинг энг кучли жамоаларидан бири — «Самарқанд — Динамо»ни қабул қилди. Ушбу ўйинда ишқибозлар яна бир аjoyиб хет-трикнинг гувоҳи бўлишди — «Трактор» ҳужумчиси Хусниддин Мирхамидов рақиблар дарвозасини уч бор ишол қилди. Дилшод Урмонов ва Илхом Мўминжоновлар яна икки тўп киритиб «Трактор»нинг 5:1 ҳисобидаги йирик ғалабасини таъминлашди. Дастлабки турнинг қолган

учрашувларида қуйидаги ҳисоблар қайд этилди: «Металлург» — «Насаф» — 0:1, «Кимёгар» — «Қизилқум» — 0:1, «Дўстлик» — «Бухоро» — 3:1, «Зарафшон» — «Нефтичи» — 1:1, «Турон» — «Андижон» — 2:1, «Семург» — «Навбахор» — 0:2, «Академия» — «Сўғдиёна» — 4:0.

ЭРТАГА

иккинчи тур учрашувлари бўлиб ўтади.

Даврон ИСЛОМОВ СУРАТДА: «Пахтакор» — «Сурхон» учрашувидан лавҳа.



Молиявий қўллаб-қувватланмоқда

Маълумки, ўтган йилнинг февралда Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори асосида пойтахтимизда Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш кенгаши қошида Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш ва кредитлаш ишчи гуруҳи ташкил этилган эди. Ўтган давр мобайнида ишчи гуруҳ мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тасдиқланган низоми ва 2000 йилда амалга оширилган ишлар дастурида ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариш йўлида саъй-ҳаракатлар қилди.

—Ишчи гуруҳнинг 2000 йилда амалга оширадиган тадбирлари дастурига кўра тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлаш фондини ташкил этиш ва унинг ишлатилиши устидан назорат ўрнатилди.— деб сўзини бошлади ишчи гуруҳ раҳбари, Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси бошлиғи Баҳодир Мирбобоев бажарилган ишлар хусусида гапирар экан.— Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ тижорат банкларида ўз фойдаси ҳисобидан имтиёзли кредитлаш махсус фондлари ташкил этилган ва бу фондлар ҳисобидан тижорат банклари кичик ва хусусий тадбиркорларга имтиёзли шартларда кредитлар бермоқдалар. Ўтган 2000 йилда тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш фонди ҳисобидан 140 дан зиёд тадбиркорга 500 миллион сўмга яқин имтиёзли кредитлар ажратилди.

Тижорат банкларида «Тадбиркорлар бурчаги» ташкил этилиши ва бу бурчакнинг жиҳозланиши назоратга олинди. Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ходимлари томонидан жойларга чиқиб, ҳар бир тижорат банкида «Тадбиркорлар бурчаги» ташкил қилиниши масаласи ўрганилди. Ҳозирда Тошкент шаҳридаги барча тижорат банкларида бундай бурчаклар ташкил қилинган. Тадбиркорлар ушбу бурчакларда ўзларига керак бўлган барча маълумотларга эга бўлишлари мумкин.

Тижорат банклари томонидан ҳар ойда тақдим этилган маълумотлар жамланиб, таҳлил қилинди. 2000 йил давомида кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш бўйича қуйидаги кўрсаткичларга эришилди: 2000 йил давомида Тошкент шаҳар тижорат банклари томонидан миллий валютада жами 1200 дан зиёд тадбиркор, кичик ва ўрта бизнес субъектларига 20 миллиард сўмга яқин кредит ажратилган бўлиб, ўтган 1999 йилнинг шу даврига нисбатан 3,5 бандга ўсган. Ажратилган микрокредитлар миқдори 200 дан ортиқ тадбиркор бўйича 300 миллион сўмдан ортиқни ташкил этди. Бу кредитлар асосан кичик ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантиришга, қорвачиликни, паррандачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ажратилган.

Тошкент шаҳри бўйича 2000 йил давомида 11 миллион АҚШ доллари миқдорда хоржий валютада кредитлар ажратилган. Хоржий валютада берилган кредитлар асосан хоржидан янги техника ва технология сотиб олиб, импорт

ўрнини босадиган ва экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришни ташкил этишга йўналтирилган.

2000 йил давомида тадбиркорлик соҳасидаги 26 та хўжалик юритувчи субъектларга бюджетдан ташқари жамғармалар ресурслари ҳисобидан 320 миллион сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди.

Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ходимлари иштирокида Шаҳар тижорат банкларида кичик ва ўрта бизнес қорғонлари раҳбарлари билан уларни қизиқтирган долзарб муаммолар хусусида тўғридан-тўғри мулоқотлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш доимий йўлга қўйилган. 2000 йил давомида шаҳардаги барча тижорат банки ва уларнинг филиалларида семинарлар ўтказилиб, тадбиркорларнинг саволларига жавоб берилди. Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари ҳамда тижорат банклари раҳбарлари иштирокида мунтазам равишда, дастурга кўра, Тошкент шаҳри бўйича сайёр семинар — мажлислар ўтказилди. Ушбу давра суҳбатларида тадбиркорларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг йўриқномалари билан иштирокчиларни таништириш ва берилган саволларга жавоб бериш, уларнинг муаммоларини ечишга ҳаракат қилиш асосий мақсад қилиб олинди ва ҳозирда ҳам бу тадбирлар давом эттирилмоқда.

Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш ва кредитлаш ишчи гуруҳининг ишонч телефони сифатида Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармасида ташкил этилган махсус «Ишонч телефони» муттасил ишлаб турибди. 152-39-03 рақамли ушбу «Ишонч телефони» орқали тадбиркорлар кўтарган муаммо зудлик билан ҳал этилишига эришилган, саволларига жавоб топилган.

Ишчи гуруҳ ўз фаолияти давомида тўпланган маълумотларни таҳлил қилиб, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича бир қатор тақлифларни ишлаб чиқди. Бу тақлифлар, албатта, пойтахтимизда кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик ривожига муҳим ўрин тутди. Ишчи гуруҳнинг асосий мақсади тадбиркорларнинг иш фаолиятини ривожлантириш, яъни уларнинг ўз ишларини муваффақиятли йўлга қўйишлари учун кредит ва микрокредитлар олишда керакли маблағ ва йўл-йўриқлар беришдан иборат. Бу борада учраётган муаммоларни ҳал этишда гуруҳ аъзолари ўз акалотлари доирасида амалга ошириладиган вазифалар дастурини чуқур аниқлаш ҳолда иш юритишмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА



НАВРЎЗИ ОЛАМ ЯҚИН...



Наврўз Шарқ халқларининг, хусусан, Ўрта Осиё халқларининг жуда қадимги аънавий байрамидир. Наврўз — янги йил байрами. Баҳор ва гул байрами. Баҳор кўрк ва чирой, тугилмоқ ва умноқ фасли. У дилрабо фасли. Инсон эса буларнинг ҳаммасидан ҳам янада кўркам ва дилрабо. Табиатнинг уйғониши кишиларга завқ-шавқ бағишлайди, уларни меҳнат ва ижодга чорлайди. Баҳор байрами шодибнеси аънавалари ривожланиб, Наврўз байрами тусига киради. Наврўз байрамида кишилар кўшиқ ва афсоналар айтадилар, уларни байрам шодибнесида куйлайдилар, ҳикоя қиладилар.

Наврўз аста-секин ёзувчи ва шоирлар ижодида ҳам кенг ўрин ола бошлаган. Умар Ҳайём «Наврўзнама» насрий асарини, Хожа Кирмоний «Наврўз ва Гул» достонини яратди. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луготит-турк» асари эса баҳор фасли таърифи ва мадҳиясига бағишланган. Наврўз темасида Котиби Чолабий, Абдураҳмон Жомий, Мундий ҳам асарлар яратган.

Ўзбек адабиёти намуналари орасида Наврўз мавзусида махсус битилган биринчи асар Лутфийнинг «Гул ва Наврўз» достонидир. Достоннинг бошқа достонлардан фарқи, унда халқ оғзаки ижодида хос бўлган хусусиятларнинг сақланиб қолиши ҳамда муқаддимадаги «Буюрдиким: Бу гул фаслида дарҳол, «Гулу Наврўз»нинг афсонасин сол» — таъкиди ҳам шуни кўрсатади. Лутфийга қадар ҳам лирик ва эпик асар-

ларда баҳор — Наврўз тасвири катта ўрин тутган. Бу ўринда Атоийнинг: **Чун юзинг кўрди, кўзум қилди Ватаннинг таркин. Гулни чун Наврўз топти, ёди Навшод айламас,** — байти ҳам ўзбек адабиётида Гул ва Наврўз сюжетини мавжуд эканлигини кўрсатади. «Гул ва Наврўз» достони ошиқ-маъшукнинг севги саргузашти бўлиши билан бирга, тур-

бир-бирига ёндош бўлганини, пишиқчилик вақтидаги шодликни мадҳ этади.

Ийгитларни ишлатайлик, Дарахт(лар)дан мева(лар)ни қоқтирайлик, Кулон, кийим овлатайлик, (Сўнг) байрам қилиб овунайлик. Фирдавсий «Шоҳнома» асарида Наврўзнинг байрам қилинишини афсонавий шоҳ Жамшид номи билан боғлайди. **Жамшидга сочишар олтин гавҳар (Шу кун янги йил — байрам дейишар) Йил боши Хурмузу эди Фарвордин Дилда на ғам колди, на адоват — кин Улуглар шодликда базм қурдилар, Юзларни чолғуга, майга бурдилар.**

Шеърят султони Алишер Навоий «Ҳазоийн ул — маоний» асарида Наврўзда тун ва куннинг тенг келишига маъбуданинг сочи ва қаддини қиёс қилиб: **Васли аро кўрдим, тенг эмиш бўйю сочи. Тун-кун тенг экан зоҳир ўлур бўлди, чу Наврўз,** — дейди...

Юртимизда Наврўзнинг кенг байрам қилиниши жуда катта маънавий ва маърифий тарбияга эгадир. Наврўз — згулик ва биродарлик байрамидир.

Кидирбой Тўлабоев

УДУМЛАРИМИЗ

● Сумалак пиширган қозонда овқат қилса, баракаси ўзгача бўлар экан.

● Илик узилди пайтида сумалак барча иликларни тўқ тутар экан.

● Сумалак тортилаётган вақтда фаришталар ҳам ҳозир нозир бўлишар экан.

Саидмурод САИДАҲМАД

Шеърят султони Алишер Навоий «Ҳазоийн ул — маоний» асарида Наврўзда тун ва куннинг тенг келишига маъбуданинг сочи ва қаддини қиёс қилиб: **Васли аро кўрдим, тенг эмиш бўйю сочи. Тун-кун тенг экан зоҳир ўлур бўлди, чу Наврўз,** — дейди...

Юртимизда Наврўзнинг кенг байрам қилиниши жуда катта маънавий ва маърифий тарбияга эгадир. Наврўз — згулик ва биродарлик байрамидир.

Кидирбой Тўлабоев

УДУМЛАРИМИЗ

● Сумалак пиширган қозонда овқат қилса, баракаси ўзгача бўлар экан.

● Илик узилди пайтида сумалак барча иликларни тўқ тутар экан.

● Сумалак тортилаётган вақтда фаришталар ҳам ҳозир нозир бўлишар экан.

Саидмурод САИДАҲМАД

Сумалакнинг хосияти

● Наврўз — янги куннинг илк бошланиши, демек уйғониш фасли.

● Уйғониш пайтида униб чиққан бугдойдан қадимда моламоларимиз сумалак қилишган экан.

● Сумалак бобомиз Ибн Сино таърифи билан айтганда минг дардга даво.

● Сумалакни юртимизда барча миллат вакиллари севиб истеъмол қилишади. Демак, сумалак — дўстлик таомидир.

● Сумалакнинг яна бир хусусиятларидан бири бир-бири билан аразлашиб қолганлар, сумалак баҳона ярашиб олар эканлар.

● Дошқозондаги сумалакни қовлаётганда, кимнинг қандай орзуси бўлса, ният қилиб қозонни қовлар экан.

● Сумалакка солинган тошни уйда сақлаганлар, кўплаб яхшиликларнинг гувоҳи бўлар экан.

● Сумалак пиширган қозонда овқат қилса, баракаси ўзгача бўлар экан.

● Илик узилди пайтида сумалак барча иликларни тўқ тутар экан.

● Сумалак тортилаётган вақтда фаришталар ҳам ҳозир нозир бўлишар экан.

Саидмурод САИДАҲМАД

ШИРКАТЛАР

Ҳаракатда — баракат

Хабарингиз борки, шахримиз туманларида уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ижара қорғонлари (аввалги ЖЭК) ўрнини уй-жой мулкдорларининг ширкат уюшмалари аста-секин эгаллаб, аҳолига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида фаолиятини кенгайтириб бормоқда. Шу ўринда қўш, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ижара қорғонлари ширкатларга айлангандан кейин қандай натижаларга эришилди? Унинг истиқбол нимага қандай муаммоларга дуч келмоқда, деган ҳақли савол туғилади.

Биз Сирғали туманида жойлашган «Жаҳонаро гулдаста» ширкат фаолияти билан танишиш асосида қорғондаги саволларга жавоб излаймиш. Албатта, кўп ишлар ишбилармонликка боғлиқ дейишарди. Ширкат раҳбари Суннат Усмоновга ҳам маҳалладошлари ана шундай таъриф бериб ўтгани рост. Чунки у 1999 йили ушбу ширкат ташкил этилганда айрим ташкилотлардан 1 миллион 700 минг сўм эски қарзлари бор эди. Ярим йил дегадана бу қарзларнинг ҳаммасидан қутулди.

Биз Сирғали туманида жойлашган «Жаҳонаро гулдаста» ширкат фаолияти билан танишиш асосида қорғондаги саволларга жавоб излаймиш. Албатта, кўп ишлар ишбилармонликка боғлиқ дейишарди. Ширкат раҳбари Суннат Усмоновга ҳам маҳалладошлари ана шундай таъриф бериб ўтгани рост. Чунки у 1999 йили ушбу ширкат ташкил этилганда айрим ташкилотлардан 1 миллион 700 минг сўм эски қарзлари бор эди. Ярим йил дегадана бу қарзларнинг ҳаммасидан қутулди.

Ширкат ташкил бўлгандан буён шу нарсанинг гувоҳи бўлдимки, кўчаларимиз, уй атрофлари анча тартибга келиб қолди. Уйларимизнинг кириш йўлақлари қайта таъмирланиб, ойналар йўқ жойга ойналар ўрнатилди, ертўлалар тозаланиб уларга темир эшиклар қўйилди. — деди 64-йида истикомат қилувчи Гўзал Маждова. — Ҳақиқатдан, уйимизда бирор бир сантехник жиҳозлари ёки иситиш тизими бузилиб қолса, олдингидек у ёққа-бу ёққа югурмаймиз. Телефон орқали чакирсақ бас, сифатли қилиб тузатиб кетишади. Ширкатнинг эски коммунал хизмат кўрсатиш ижара қорғонларидан фарқи ҳам шунда деб биламан.

Наврўз асли

Гоҳи ёмғир, гоҳи қор
Кўкда қилади уйин.
Ер юзида илк баҳор
Кушлар чалади куйин.

Мўралашиб тайсалар
Ер қобиғин туртади.
Дов-дарахтлар шоҳида
Хаёт гули бўртади.

Баҳор, бу хаёт фасли
Табиатнинг нақоши.
Гулни, дилни безайди,
Бор меҳрибон куёши.

Йилнинг бордир
тўрт фасли
Гўзали Наврўз асли!
Мўсин НУРЕТДИНОВ


АТРОФ-МУҲИТ

Маҳаллалар ободонлаштирилди

Маълумки, ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишини амалга ошириш мақсадида Экология ва саломатлик кунларининг 2-босқичи доирасида ўтказилган «Экофестиваль» — 2000-дан тушган маблагнинг 3.702.027 сўми экология ва саломатлик кунларини ўтказишдаги фаол иштироки учун «Экосан» экология ва саломатлик халқаро жамғармаси томонидан Мирзо Улугбек туманига — яъни ободонлаштириш, кўкчаларни яхшилаштириш, соғломлаштириш ва болалар майдончаларини таъмирлаш ишларига сарф қилиш учун коммунал фойдаланиш бошқармаси ҳисоб рақамига ўтказилган эди. Ушбу маблағдан туман коммунал фойдаланиш бошқармаси қандай фойдаланди? Бу ҳақда туман ҳокими ўринбосари, коммунал фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Ботирхон Усмонов шундай деди:

— Туманимизда 49 та маҳалла мавжуд, 1460 та кўп қаватли уйларимиз бор. Албатта, маҳаллаларимиз ободончилигига, кўп қаватли уйларимиз ортасталигига ҳаммиша эътибор билан қараймиш. Шу боис ҳам юқоридаги маблағдан оқилона фойдаланиб, ҳар бир маҳаллада маълум миқдорда ободонлаштириш, кўкчаларни яхшилаштириш ишларини амалга оширишга сарфладик. Жумладан, «Бўз-2» маҳалласида янги маҳалла гузарининг ён-атрофи ободонлаштирилди ва анвойи гуллар экилди. «Олимпик» маҳалласида 17 та кўп қаватли уй, «Умид» маҳалласида 21 та, «Гулистон», «Турон», «Хумоюн» маҳаллаларида 33 та кўп қаватли уйлар атрофлари ободонлаштирилди, сув шохобчалари тозаланди, дарахтларга шакл берилди, шунингдек, болалар майдончалари тартибга келтирилди. Буларнинг барчаси туманимиз, шахримиз ҳавосини Наврўз айёми арафасида янада мусоффо қилиш, чиройини очиб, озода ва ортасталигини таъминлаш, энг муҳими атроф-муҳит муҳофазатига, халқимиз саломатлигига ижобий таъсир этади.

Шарофат БАХРОМОВА



АВЛИЁ БЎЛИБ ҚОЛМАСАЙДИ

Бўлимимизнинг зукко ақл соҳибаси ва меҳнатсевар қизи Мавжуда билан чоғи ўтириб қолдим. Ўз одатим буйича, одоб-ахлоқдан сўз очдим. Сўзимиз негизда жироқор аёлларга бориб қадалди. Хотирам саҳифаларини арақлаганим холда, Али Сафийнинг «Рашахот» китобидаги Шайх Хованди Тахур билан боғлиқ ҳикояни толдирдим ва уни Мавжудага айтиб бердим.

«Рашахот»да ёзилишича, Туркистон шаҳрида Тенгиз Шайх номли бир олим ва авлиё яшаган экан. Шайх Хованди Тахур Тошкентдан йўлга чиқиб, Тенгиз Шайх хузурига борибди. Тасавуф ва шариат бўйича тушулмаган нарсаларни ундан сураб, билиб олибди. Тенгиз Шайх чой дамлаб, овқат пишириш учун ўчоққа олов ёқмоқчи бўлибди. Утин ҳўл бўлиб, ҳадеганда ёнавермабди. Шайх эса бошини энгаштирганча, оловни тинимсиз пуфлар экан. Шу пайт унинг хотини кириб қелибди, энгашиб турган Шайхнинг орқасига бир тепиб: «Хали ҳам оловни ёқмадингми?» деб ўдағайлабди.

Тинч бўлса кишининг ҳар қондонини, Хуш ўтар умрининг ҳар бир замонини. Мухаббатли бўлса эр ила хотин, Хонадони эрур ҳаловат қони.

Эртаси кун Шайх Хованди Тахур йўлга отланибди. Уловига минишдан аввал:

— Эй Шайх, менинг барча саволларимни ҳал қилиб бердингиз, ҳал бўлмаган фақат битта савол қолди, — дебди.

— Сўранг, — дебди Шайх.

— Кучли илм ва авлиёлик қувватига эга бўлтуриб, хотиндан шунча азоб тортишинг боиси нима? — дебди Шайх Хованди Тахур.

Шайх унга: — Биз хотиннинг азобига чидаб, сабр қилганимиз учун ҳам шу даражага етдик! — дебди.

Гул латиф эди-ю ахбоб қилишди, Туртишди, ўзича савоб қилишди. Ўта мулоимлик хуш эмас экан, Охири сикшишди, гулоб қилишди.

— Мама, кўрясизми? — дедим Мавжудага ҳазилнома. — Хотин азоб берса, ҳадеб уришавермай, сабр қилинса, шундай улуг даражага етишим ҳам мумкин экан.

Кўп эрни кўраман, жони азобда, Дейишар норизо: «Хотин нобоб-да!» Бесабаб юз бермас ҳеч қандайин иш, Сендан ҳам хотиннинг жони кабоб-да!

Мавжуда бироз ўйга толиб қолди. Сўнг: — Институтимизда фалон ходимимиз бор-ку, нахотки у ҳам авлиёга айланган қолса! — деди.

— Нера у авлиёга айланган экан? — деб сўрадим хайрон бўлиб.

— У ўта кўпол, дағал, уришқоқ бўлиб, одамларнинг дилини оғритса-да, бироқ хотинидан жуда кўрмас экан, хотини ҳатто унга тушлик учун пул ҳам бермас экан, — деди Мавжуда. Сўнг давом этди: — Бу ҳақда унинг ўзи бошқа аёлларга арз қилиб гапирибди.

— Авлиё бўлса, сизга нима? — дедим мену.

— У билан ораимиз чатоқроқ, — деди Мавжуда жиддий холда. — Авлиё бўлиб қолса, бир қарашда улдириб қўйиши мумкин-да!

Нодон ўзи учун тараф йиғади, Дано эса фазлу шараф йиғади. Баҳорда дон экиб, ҳабар олмаган, Кузда дон ўрнига алаф йиғади.

«КЎЗ»

Таътилда Марҳаматга бордим. Карасим, қилбағоҳим бир кўзойнак устига яна бир кўзойнакни қўйиб ўқир, бу ҳам етмагандек, яна лупа орқали қарар эдилар.

— Дада, нима бўлди? — деб сўрадим.

— Фалончи мўҳмон бўлиб келган эди, — дедилар дадам, — кўзойнакни ўқитган эдим. У: «Тақсир, шунча ёшга кириб, кўзойнак тутмай ўқийсизми?» деди. Юрагим «шиқ» этиб кетди. Уша кундан бошлаб, кўришим пасая бошлади.

Ҳар сўзни сўз дема, сўзда сўз бордир, Ҳар ўзни ўз дема, ўзда ўз бордир. Кўзунга тикилиб турса-да кўзлар, Ҳар кўзни кўз дема, кўзда кўз бордир.

Бу пайтда қилбағоҳим етмиш тўққиз ёшда эдилар. Алломаи Замахшарийнинг «Атқоз уз-заҳаб» номли араб тилидаги асарини ҳам таржима, ҳам шарҳини тугатиб, «Ун-вон ул-баён» номли китобини аввал форс-тожик тилига шарҳи билан таржима қилган, сўнг ўзбекча таржимасини бошлаб юборган эдилар.

Ҳикматли ҳар сўзи, жаҳонда бордир, Аёнда мавжуду баёнда бордир, Қидириб, овора бўлма улари, Барчаси «Унвон ул-баён»да бордир.

«Унвон ул-баён» китоби бошидан-охир ҳикматли сўзлардан иборат араб тилидаги дурлар ҳазинаси эди. Араб тилининг сўз мулки, тил бойлиги мазкур ҳикматларда жамланган бўлиб, уларнинг тўғри таржима қилиш ва тағига етиш учун араб тилини юқори даражада билиш керак эди. Бир кун Мисрдаги Ал-Азхар университетини тамомлаб келиб, диний бошқармада кўп йиллар ишлаб, сўнг академиянинг Шарқшунослик институтига ўтган, кекса олим Шоикром Қори акага: «Менинг қилбағоҳим бу асарни таржима қилганлар» деганимда: «Мен бу асар буйича талабаларга кўп йилдан буён дарс бераман, бироқ кўп жойларини чиқаролмайман» деган эдилар.

Китобим, дур тўла жаҳоним ўзинг, Мухаллап ҳур тўла жаҳоним ўзинг. Қалбимни илмдан ёритай десам, Илоҳий нур тўла жаҳоним ўзинг.

Қилбағоҳим ўз шарҳига «Бунён ул-банон фи унвон ул-баён» («Унвон ул-баён» ҳақида бармоқлар тиклаган биналар) деб ном қўйган эдилар. Асардаги матнларни алоҳида кўрсатиш учун қизил фломастердан фойдаланган бўлиб, кўзлари яши кўрмагани учун яхтақларининг олди томонига ранг тегиб, қонга ўхшаб қолганди. Бирор киши бу ҳақда гапирса: «Бағримни қон қилиб ёзганман» дердилар.

Не бўлса жаҳонда бари топилар, Ошқору пинҳонда бари топилар. Ажойиб ҳикматлар қайдадир десанг, «Унвон ул-баён»да бари топилар.

Қилбағоҳимдан: — Кўз тегиши борми? — деб сўрадим.

— Ҳа, бор, — дедилар дадам, — Расулulloҳдан бу борада муборак ҳадис келган. Улар: «Ал-айну ҳаққун», яъни «кўз солиш бор нарса» деганлар.

Қилбағоҳим «Унвон ул-баён»нинг ўзбек тилида тугатиб қўйишни кўп ора қилганлар. Қўзларини жароҳлик йўли билан даволатиш учун Андижонга бордилар. Бироқ, юраклари бардош бермади. Қасалқонада оламдан ўтдилар. Бир ёмон одамнинг қўзи шунча катта зарарни бунёд қилди.

Кўзлар бор, мисоли меҳриғейдир, Кўзлар бор, дардинга боқса даводир. Кўзлар бор, жонингга ором бағишлар, Кўзлар бор, мил' тортмоқ унга раводир.

Махмуд ҲАСАНИЙ

* Мил — кўзни кўр қилишга ишлатилмайдиган нина.

ТАДҚИҚОТЛАР

Магистрантлар изланишда

Тошкент кимё-технология институти магистратурасида ўқув жараёни бевосита ишлаб чиқариш амалиёти билан қўшиб олиб борилмоқда. Бу эса магистрантларнинг саноат корхоналари билан алоқасини яхшилаб, шу соҳанинг малакали мутахассислари бўлиб етиштишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айни вақтда магистрантларнинг илмий изланишлар олиб боришлари учун кенг йўл очилмоқда. «Нефть ва газ маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси» кафедрасида тадқиқот ишлари яхши самара бермоқда. Газни қайта ишлашчи саноат корхоналаридаги иккиламчи углеводлар ёрдамида антидетонатор ва бошқа зарур маҳсулотларини синтез қилишга эришилди.

Чикиндирисиз технологияларни яратиш, иккиламчи хома-

шедан фойдаланишни йўлга қўйишга доир изланишлар ҳам қўрилган натижани берди. Магистрантларнинг бу тадқиқотлари экологик муаммоларни ижобий ҳал этиш ҳамда бу борада иқтисодий самарадорликка эришишда ҳам кўп келмоқда.

Изланишлар олиб боришда жиддий ютуқларга эришган бир гуруҳ ёш тадқиқотчилар яқинда муносиб тақдирландилар.

Ақбар АЛИЕВ

ТАЪЛИМ

Институтнинг клиник бўлими

Ўзбекистон гематология ва қон куйиш илмий текшириш институтида ҳозир ўнга яқин лаборатория ва бўлимлар фаолият кўрсатмоқда. Шу бўлимлардан иккитаси бевосита гематологик тадқиқот ва муолажалар ўтказиш билан шуғулланмоқда. Улар сони яна бир ўнга бўлим ҳисобига кўпайди.

Институтнинг учинчи гематология клиник бўлими сифатида ташкил топган бу илмий-тиббий марказда 30 та ўрин бор. Даволаш ишлари олиб боришда қон тизими патологияси терапиyasининг замонавий дастурлари кенг қўлланилаётди. Шунингдек, замонавий фарма препаратлар даволашда яхши наф беради. Иммуномодуля-

тор, антианемик дори-дармонлар беморлар саломатлигини тиклашда айланишга кўп келмоқда.

Мазкур бўлим 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтида уюштирилган гематология курси учун клиник база бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ерда клиник ординаторлар ҳам ўз малакаларини оширишди.

Анвар ВАЛИЕВ

Янги технология асосида

Ўзбекистонда молекулали бирикмалар кимёси ҳам ривожланиб бормоқда. Бундай йирик илмий изланишларни амалга оширишда Тошкент Тўқимачилик ва энгил саноат институтининг «Юқори молекулали бирикмалар кимёвий технологияси» кафедраси олимлари ҳам фаолият кўрсатишмоқда.


Кафедрада пардозлаш ишларининг кимёвий технологияси ва жиҳозлари соҳаси мутахассисларини тайёрлашда бой тажриба орттирилди. Матбаа ишлаб чиқариш технологияси муҳандисларини ўқитиш ҳам кенг йўлга қўйилди. Ўқув амалиётини мустаҳкам негизда ташкил этишда кафедра хузуринда очилган ўқув лабораторияси ҳам муҳим ўрин тутди. Айни вақтда мат-

баа мутахассислиги бўйича кўплаб ўқитувчилар тайёрланди. Бунда, шубҳасиз, кафедранинг Москва полиграфия институти билан илмий ҳамкорлиги кўп келди.

Эндиликда кафедра қоғоз саноати технологияси мутахассисларини тайёрлаш билан ҳам шуғулланмоқда. Мазкур мутахассислик лабораторияси негизини яратиш тадбирлари ҳам белгиланди.

Нитрон толасини олиш технологиясини тақомиллаштириш, пахта ва нитрон толаларни арашмасидан ҳосил қилинадиган матоларни пардозлаш технологиясини яратиш устида изланишлар олиб боришмоқда. Шу тарихга кимё фанининг шу соҳаси бўйича илмий мактабга асос солинмоқда.

Аҳмад АЪЗАМОВ



Ёш авиамоделчилар. Равиль Альбеков олган сурат.

Хандалар

— Дада, менга уч юз сўм беринг, телескопда ойни кўрмоқчиман.

— Бироз сабр қил! Икки ҳафтадан кейин ой тўлишадди, шу пулга кўпрогини кўрасан.

— Мен сизга ҳар кунни уч маҳал ҳам дори ва бир ҳафта коньяк ичишни ёзиб бераёяман. Хўш, қалай?

— Унда ҳам дори ичишдан бир ҳафта орқанда қолибман, коньяк ичишдан эса уч ҳафта олдинга ўтиб кетибман.

— Шундай қилиб, бу йил Ялтага бормайдиган бўлдингларми?

— Йўқ. Бу йил Сочига бормайдиган бўлдим. Ялтага ўтган йил бормайдиган бўлганми.

— Илтимос қиламан, мени кузатиб овора бўлманг.

Дилдора СОДИКОВА

лом Йулдошев бирор юмуш билан Тошкентга келганида албатта Музаффар ақаникига кириб ўтишни қанда қилмасди. Зарифахоннинг Музаффар ака билан бахтли ҳаёт кечираётганини кўриб ич-ичидан қувонарди. Шу тарихи у Музаффар ака билан ака-ўка тутинди. Ислоҳ ақанининг жияни Фуломжон эса ўқишга кириш ниятида Тошкентга келиб бу ерда ижарадаги хонада яшаётган кезларида Музаффар ака бағрикенглик қилиб Фуломжонни ижарадаги хонадонда эмас, балки ўзлари яшаб турган уйда истиқомат қилишини айтиди. Шу-шу Фуломжон Музаффар ақанининг «катта ўгли»га айланади. Тиббиёт институтига кириш орузи ушлаганча у политехника институтида ўқиб, қурилишда ишлайди.

Институтда ўқиб юрган кезларида ёшлиқдан бир-бирини яхши биладиган қизнинг шу ерда илм олаётганлигини эшитди. Лекин ҳаёт Фуломжонга Мастураҳон исми лобар қиз билан турмуш қуришдек бахтини ато этди. Музаффар ака билан Зарифахон опа икки ўғил, яъни Фуломжон билан Моҳиржонни бир кунда уйлантиришиб, катта шодияналар билан ўғил қўш келинини туширишди. Ҳозир оиланинг ҳамма аъзолари ахил-иноқ яшашади, оналари ва оталари дуосини олиб, Зарифахон ая билан Музаффар ақанининг ҳурматларини жойига қўйиб, фарзандлик бурчларини адо этишмоқда. Кунчи кеча қўлимга келиб теккан тақлифномадаги куйдаги сатрлар ҳам буни исботлаб турибди.

Сиз борсизки, ҳаётимиз мазмундор, Сиз борсизки, бизга ақл-идрок ёр, Фарзандларнинг юрагисиз, Отақон! Набиралар қувончисиз, Онақон!

Ҳа, фарзандлар юраги, набиралар қувончи бўлмиш бундай оталар ва оналар ҳақида ҳар қанча сўзласа шунча оз. Фарзандлар камолини, уларнинг бахтини кўришни эса ҳар бир ота-она оруз қилади. 17 неваранинг бобоси ва бувииси Музаффар ака билан Зарифахон ақанинг бугун орзулари ушалган кун — оила сарбонининг қўлуғ таваллуд кунини, меҳнат фаолияти ва оила ташкил топганлигининг муборақ кирқ йиллиги — ёқут тўйи. Инсон учун бундан ортик бахт борми, дунёда!

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ

УМР ЙЎЛЛАРИ



...Музаффар Жаъфаровнинг умр йўллари чиндан ҳам мазмунли ва ибратлидир. У ҳаёти мобайнида асло мансаб кетидан қувмади, лекин одамларга ҳалол ва сидқидилдан хизмат қилиш унинг умр мазмуни бўлиб келди. Артеда бўёқчилик қилди, мебелсоз бўлди, заргарлик заводида ишлади, ёшларга етакчилик қилди, маданият ишларида ҳомийлик қилди. Бир неча йиллардан бери Юнусов тўқимачилик марказида ишлади, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш қотибати бош мутахассиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Қаерда ишламагани унинг ташаббускорлиги, юксак инсоний фазилатларга эгалиги, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизни яхши билганлиги сабабли халқ орасида турли шаклда, турли мавзуларда тадбирлар, қирик-танловларни ўтказишда фидойилик кўрсатиб келмоқда. Унинг одоб-ахлоққа бағишлаб ёзган мақолалари, кичик саҳна асарлари ва интермедиялари ҳам ўз муҳлисларини топган. Шу ўринда унинг оила муаммолари, ёшлар ва хотин-қизларнинг маънавий, ҳуқуқий, тиббий саводхонлигини ошириш, барвақт никоҳнинг олдини олиш сингари ҳаётий масалаларни ҳал этиш, маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирларни амалга оширишдаги саяё-ҳаракатларини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Шу боисдан у Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ФХДЭ бўлими, Никоҳ, оила маросимлар марказига боришга ҳам вақт топиб, оила муаммолари, ёшларни турмушга тайёрлаш, ФХДЭ ходимларининг касб малакасини ошириш, миллий урф-одатларимиз, анъана ва қадриятларимизни, истиқлол ғояларини кенг тарғиб қилишда, «Она ва бола» Давлат дастурининг бажарилишида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

...Мақоламиз бошида даврага кириб келган эл севган санъаткорнинг Музаффар акага нигоҳи тушиши биланоқ бу давранинг фазли бошқача бўлишини айтганини бежиз келтирмадик. Дарҳақиқат, у кирган давраларнинг фазли ўзгача бўлади, бундай давраларда куй-қўшиқлар, аскиялар авжига чиқади, бундай давраларда бир қатнашган одам яна бир бор иштирок этсам дейди. Бундай давраларнинг гули бўлиб ўтириш эса унга хос бўлган фазилат. Шунинг учун ҳам уни дўстлари, жўралари яхши кўришади, шунинг учун ҳам уни кўпчилик дилдан, самимият ила ҳурмат қилади. Ана шунинг ўзи катта бахт эмасми? Музаффар Жаъфаров чиндан ҳам бундай бахтга тўлалигича муяссар бўлган самимий, дилкаш, ҳожисор ва камтарин инсон сифатида қадрли ва эъозлидир, унинг умр йўллари чиндан ҳам ибратли ва нурафшон йўллардир.

Солиҳ ЁҚУБОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

СУРАТДА: Музаффар Жаъфаров (ўнгдан иккинчи) туманининг бир гуруҳ фаоллари билан.

Сергей Любич олган сурат.

...Музаффар Жаъфаровнинг умр йўллари чиндан ҳам мазмунли ва ибратлидир. У ҳаёти мобайнида асло мансаб кетидан қувмади, лекин одамларга ҳалол ва сидқидилдан хизмат қилиш унинг умр мазмуни бўлиб келди. Артеда бўёқчилик қилди, мебелсоз бўлди, заргарлик заводида ишлади, ёшларга етакчилик қилди, маданият ишларида ҳомийлик қилди. Бир неча йиллардан бери Юнусов тўқимачилик марказида ишлади, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш қотибати бош мутахассиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Қаерда ишламагани унинг ташаббускорлиги, юксак инсоний фазилатларга эгалиги, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизни яхши билганлиги сабабли халқ орасида турли шаклда, турли мавзуларда тадбирлар, қирик-танловларни ўтказишда фидойилик кўрсатиб келмоқда. Унинг одоб-ахлоққа бағишлаб ёзган мақолалари, кичик саҳна асарлари ва интермедиялари ҳам ўз муҳлисларини топган. Шу ўринда унинг оила муаммолари, ёшлар ва хотин-қизларнинг маънавий, ҳуқуқий, тиббий саводхонлигини ошириш, барвақт никоҳнинг олдини олиш сингари ҳаётий масалаларни ҳал этиш, маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирларни амалга оширишдаги саяё-ҳаракатларини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Шу боисдан у Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ФХДЭ бўлими, Никоҳ, оила маросимлар марказига боришга ҳам вақт топиб, оила муаммолари, ёшларни турмушга тайёрлаш, ФХДЭ ходимларининг касб малакасини ошириш, миллий урф-одатларимиз, анъана ва қадриятларимизни, истиқлол ғояларини кенг тарғиб қилишда, «Она ва бола» Давлат дастурининг бажарилишида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

...Мақоламиз бошида даврага кириб келган эл севган санъаткорнинг Музаффар акага нигоҳи тушиши биланоқ бу давранинг фазли бошқача бўлишини айтганини бежиз келтирмадик. Дарҳақиқат, у кирган давраларнинг фазли ўзгача бўлади, бундай давраларда куй-қўшиқлар, аскиялар авжига чиқади, бундай давраларда бир қатнашган одам яна бир бор иштирок этсам дейди. Бундай давраларнинг гули бўлиб ўтириш эса унга хос бўлган фазилат. Шунинг учун ҳам уни дўстлари, жўралари яхши кўришади, шунинг учун ҳам уни кўпчилик дилдан, самимият ила ҳурмат қилади. Ана шунинг ўзи катта бахт эмасми? Музаффар Жаъфаров чиндан ҳам бундай бахтга тўлалигича муяссар бўлган самимий, дилкаш, ҳожисор ва камтарин инсон сифатида қадрли ва эъозлидир, унинг умр йўллари чиндан ҳам ибратли ва нурафшон йўллардир.

Солиҳ ЁҚУБОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

СУРАТДА: Музаффар Жаъфаров (ўнгдан иккинчи) туманининг бир гуруҳ фаоллари билан.

Сергей Любич олган сурат.

...Музаффар Жаъфаровнинг умр йўллари чиндан ҳам мазмунли ва ибратлидир. У ҳаёти мобайнида асло мансаб кетидан қувмади, лекин одамларга ҳалол ва сидқидилдан хизмат қилиш унинг умр мазмуни бўлиб келди. Артеда бўёқчилик қилди, мебелсоз бўлди, заргарлик заводида ишлади, ёшларга етакчилик қилди, маданият ишларида ҳомийлик қилди. Бир неча йиллардан бери Юнусов тўқимачилик марказида ишлади, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш қотибати бош мутахассиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Қаерда ишламагани унинг ташаббускорлиги, юксак инсоний фазилатларга эгалиги, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизни яхши билганлиги сабабли халқ орасида турли шаклда, турли мавзуларда тадбирлар, қирик-танловларни ўтказишда фидойилик кўрсатиб келмоқда. Унинг одоб-ахлоққа бағишлаб ёзган мақолалари, кичик саҳна асарлари ва интермедиялари ҳам ўз муҳлисларини топган. Шу ўринда унинг оила муаммолари, ёшлар ва хотин-қизларнинг маънавий, ҳуқуқий, тиббий саводхонлигини ошириш, барвақт никоҳнинг олдини олиш сингари ҳаётий масалаларни ҳал этиш, маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирларни амалга оширишдаги саяё-ҳаракатларини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Шу боисдан у Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ФХДЭ бўлими, Никоҳ, оила маросимлар марказига боришга ҳам вақт топиб, оила муаммолари, ёшларни турмушга тайёрлаш, ФХДЭ ходимларининг касб малакасини ошириш, миллий урф-одатларимиз, анъана ва қадриятларимизни, истиқлол ғояларини кенг тарғиб қилишда, «Она ва бола» Давлат дастурининг бажарилишида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Солиҳ ЁҚУБОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

СУРАТДА: Музаффар Жаъфаров (ўнгдан иккинчи) туманининг бир гуруҳ фаоллари билан.

Сергей Любич олган сурат.

...Музаффар Жаъфаровнинг умр йўллари чиндан ҳам мазмунли ва ибратлидир. У ҳаёти мобайнида асло мансаб кетидан қувмади, лекин одамларга ҳалол ва сидқидилдан хизмат қилиш унинг умр мазмуни бўлиб келди. Артеда бўёқчилик қилди, мебелсоз бўлди, заргарлик заводида ишлади, ёшларга етакчилик қилди, маданият ишларида ҳомийлик қилди. Бир неча йиллардан бери Юнусов тўқимачилик марказида ишлади, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш қотибати бош мутахассиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Қаерда ишламагани унинг ташаббускорлиги, юксак инсоний фазилатларга эгалиги, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизни яхши билганлиги сабабли халқ орасида турли шаклда, турли мавзуларда тадбирлар, қирик-танловларни ўтказишда фидойилик кўрсатиб келмоқда. Унинг одоб-ахлоққа бағишлаб ёзган мақолалари, кичик саҳна асарлари ва интермедиялари ҳам ўз муҳлисларини топган. Шу ўринда унинг оила муаммолари, ёшлар ва хотин-қизларнинг маънавий, ҳуқуқий, тиббий саводхонлигини ошириш, барвақт никоҳнинг олдини олиш сингари ҳаётий масалаларни ҳал этиш, маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирларни амалга оширишдаги саяё-ҳаракатларини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Шу боисдан у Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ФХДЭ бўлими, Никоҳ, оила маросимлар марказига боришга ҳам вақт топиб, оила муаммолари, ёшларни турмушга тайёрлаш, ФХДЭ ходимларининг касб малакасини ошириш, миллий урф-одатларимиз, анъана ва қадриятларимизни, истиқлол ғояларини кенг тарғиб қилишда, «Она ва бола» Давлат дастурининг бажарилишида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

Солиҳ ЁҚУБОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

СУРАТДА: Музаффар Жаъфаров (ўнгдан иккинчи) туманининг бир гуруҳ фаоллари билан.

Сергей Любич олган сурат.

Абдулла Авлоний номидаги Марказий малака ошириш институти жисмоний тарбия, чакириқкача ёшларни тайёрлаш ва мактабдан ташқари муассасалар кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори профессор Талъат Усмоҳўжаев билан суҳбатимиз болалар ва ўсмирларни қатта спортга тайёрлашга тўғри ёндашиш, жисмоний ҳаракатлар ва машқлар оғирлиги билан уларнинг ёш организмларига зарар етказиб қўймаслиги учун биринчи галда нималарга эътибор бериш лозимлиги хусусида бўлди.

— Талъат Саидович, умумтаълим мактаблари учун жисмоний тарбия бўйича давлат стандарти ва дастурининг қабул қилиниши соғлом аялдо камолоти йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди, десак янглишмаймиз...

— Дарҳақиқат, шу пайтгача республика ҳақ таълими соҳасида умумтаълим мактабларида давлат таълим стандартлари ва дастури тўғрисидаги «Таълим тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганидан сўнг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида жисмоний тарбиядан ҳам таълим стандартларига эга бўлди ва бинобарин, 1-9 синфлар учун бир йил синув тажрибасини ўтказган ҳолда иш бошланган, илмий жиҳатдан асосланган жисмоний тарбия дастури тўғрисида.

Энциклопедия умумтаълим мактабларида жисмоний тарбия дарслари ҳафтада 2 соат, бир йилда эса 68 соатдан ўтишмоқда. Бизнингча, болаларнинг ҳаракатли уйинлар, спорт билан шуғулланиш учун физиологик ва биологик эҳтиёжлари қатта бўлганлиги сабабли жисмоний тарбия дарси соатлари янада кўпайтирилса мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, мактабдан ташқари пайтларда ҳам болаларнинг спорт билан шуғулланишлари, турли шундай тўғарақларга қатнашлари қониқарли даражада эмас. Кўп ўқув муассасаларида бундай тўғарақлар кам, мутахассислар етишмайди.

— Яна бир муҳим масала бизни ўйлантириб келади. У ҳам бўлса спортнинг тобора ёшариб бораётганлиги бўлиб, ҳозирда кўпгина спорт турлари бўйича жуда ёш болаларнинг мусобақаларда мунтазам қатнашаётганлигини кўрмоқдамиз. Бу уларнинг соғлиқлари учун оғирлик қилмайдими?

— Тўғри айтдингиз. Болаларимиз ҳозирда асосан кўпгина аяка тартибдаги спорт турлари билан шуғулланишга зўр қизиқиш билан ёндашмоқдалар. Бу қувонарли ҳол, албатта. Лекин биз авваламбор болаларимизнинг соғлиқларига эҳтиёткорлик билан ёндашиб, уни авайлашимиз лозимлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Бунинг учун спорт мактаблари ёки муассасаларида истиқбол режалари бўлиши керак. Ҳозирги кунда республикамизда 500 дан ортиқ спорт мактаблари мавжудлигини ҳисобга олганда бу жуда муҳим масалалар. Асосийси, кўп йиллик спорт машғулотлари билан шуғулланиш дастури давр синовидан ўтган тўрт босқичдан иборат бўлиши шартидир. Ҳар бир босқичнинг ўз мақсади ва вазифалари бўлади.

Фикримизнинг исботи сифатида ўтган асрнинг 60-йилларида собиқ иттифоқда спортга эрта ихтисослаштириш

йўналиши вужудга келиб, Лариса Петрик, Ольга Корбут каби ёш юлдузлар қисқа вақт чаклаб, ҳатто 25 ёшга ҳам тўлмасдан жисмоний оғирликлардан эзилди қатта спортни мажруҳ ҳолда тарк этганидан сўнг ундан воз кечиб, босқичли дастурга ўтиганини мисол келтиришимиз мумкин.

Бунда дастлабки босқичда (тахминан 3-6 ёшдаги болалар) болаларни эркин, ҳар томонлама ривожлантирувчи, саломатлиги сақланган, чинқиратилган машқларни бевасилоқ бериш керак. Лекин спорт турлари техникасини бирданга ўргатиб бўлмайди — у организмга оғирлик қилади. Чунки бу ёшда болаларда худди ёш нўҳол каби мускул пайлар, бўғинлари эластик ҳолатда бўлади. Улар учун машғулотларда ҳаракатли уйинлар бериб, спорт турлари элементлари уйин тарзида ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Сўнг болалар гуёки боғчадан мактабга ўтгани каби изчил ҳолда кейинги — бошланғич босқичга ўтилади. Унда болалар мускул пайлар, таянч-ҳаракат аъзолари, юрак, жигар, буйрак ва ўпкасига ортиқча оғирлик бермасдан спорт элементлари ва техникаси билан аста-секин таништирилиб борилади. Яъни аввал кўникама, сўнг эса малака ҳосил қилинади.

Спорт техникасига чуқурлашган ҳолда ўтишдек энг мураккаб ва муҳим учинчи босқичда энди техника, элементлар, усуллар кетма-кет ва изчил ўргатиб борилади. Яъни юқоридаги учта босқич мустақам пойдевор вазифасини ўтаса, сўнгги чўққи ҳисобланмиш спорт маҳоратини ошириш босқичи келади ва унда спортчилар рекордлар ўрнатишиб, чемпионлик шохўсулисига кўтарилишади. Бу босқич 14-15 ёшдан бошланади ва спорт турларининг ўз хусусиятларига қараб юқорида кетаверади.

Агар спорт мактаблари, интернатлари, марказларида спортчиларни мана шундай тўрт босқичли тизим асосида махсус режаларга кўра изчиллик билан тайёрлаб боришса, спортни вақтидан олдин тарк этиш, чуқур чарчоқ, жисмоний оғирликларни ҳаддан ошириб юбориш, болаларнинг спорт билан қисқа муддат шуғулланиб, уни ташлаб кетишлари каби салбий ҳолатлар юз бермагани ҳолда келгусида юқори натижаларга эришилади. Олимпиадалар, жаҳон ва Осиё чемпионатларида юртимиз спортчиларининг муваффақиятлари янада ошади...

— Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, интернатларда спортчиларни етиштириш ишларини замон талаблари асосида, махсус дастурларга таянган ҳолда йўлга қўйиш учун нималар қилиш керак?

— Албатта, БУСМлар, интернатлар учун махсус дастурни яратилиши вақти аллақачон етиб келган. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида махсус ўқув бўлими бор. Бундан ташқари, яқинда Республика ҳақ таълими вазирлигида ҳарбий-ваганпарварлик ва жисмоний тарбия бўлими ташкил этилди. Ана шу бўлимлар бошқоқш бўлиб тажрибали мутахассисларни жалб этган ҳолда мазкур долзарб масала билан шуғуллансалар нур устига нур бўларди.

Зеро ёш авлонди ҳар томонлама баркамол инсон қилиб етиштириш спортимиз ютқўнларини ошириш, умуман, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида муҳим ўрин тутадиган вазифадир.

Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.

ФУТБОЛ

Ассоциация

ташқил этилди

Республика миллий Олимпия қўмитасида мини-футбол ассоциациясининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Ушбу нуфузли анжуманда Ўзбекистон Футбол федерацияси, Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт ҳамда миллий Олимпия қўмиталари вакиллари билан ташқари Ўзбекистон Молия, Олий ва ўрта махсус таълим, Давлат солиқ қўмитаси, Ташқи ишлар вазирликлари билан бирга Ўзбекистон мудофасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кеншаи, «Маҳалла-хайрия жамағатидан ташриф буорган меҳмонлар ҳам иштирок этишди.

Конференция қатнашчилари мини-футбол ассоциациясини ташқил этишни лозим деб топишди ҳамда ассоциация раҳбарларини сайлашди. Акбар ЙЎЛДОШЕВ

КАРАТЭ

Олимпиада марраларини кўзлаб

Шаҳримиздаги Ўзбекистон Куролли қўли спорт марказида икки кун давомида каратэ бўйича янги асрдаги илк Ўзбекистон чемпионати беллашувлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда республика каратэ миллий федерацияси ташкилотчилигида ўтказилган ушбу мусобақаларда шаҳримизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистондан қирққа яқин клубларнинг вакиллари бўлиб 908 нафар 7-18 ёшдаги спортчилар қатнашди. Бу биринчидан, шарқ яққурашининг энг қизиқари турларидан бири бўлиши каратэнинг мамлакатимизда ёшлар ўртасида тобора омаллашиб бораётганини кўрсатса, чемпионат бахслари курашчиларнинг маҳорати ва савияси ҳам ўсганлигини намойиш қилди.

2004 йилги олимпиада уйинлари учун республикамизда каратэчиларини саралаб боришдек хайрли ва узоқни кўзланган мақсадни амалга ошириш йўлида ташқил этилган Ўзбекистон чемпионати пойтахт каратэчилари юртимизда ҳамон етакчи ўринларда эканлигини яна бир қарра кўрсатди. Жумладан, қўмита ва ката йўналишлари бўйича ўтказилган беллашувларда Тошкент каратэ клуби вакиллари бўлиши Шохрўх Сафаров, Нодир Ҳўжаев, Отабек Қосимов, «Азамат Карим» клуби тарбияланувчилари Беход Кутлимуродов, Абдураҳмон Муҳидинов каби умидли ёшлар, қизлар ўртасида ҳам юқоридаги икки етакчи жамоа аъзолари ҳисобланмиш Сайёра Рафиева, Ширин Абдуқоимов ва каби моҳир яққураш усталари ҳурмат шохўсулиснинг энг юқори поғонасидан жой олишди. Умуман, мазкур чемпионатда 70 олтин, 70 кумуш ва 140 нафар спортчига бронза медаллари топширилди.

Умумжамоа ҳисобида эса 101 очко жамғарган Тошкент каратэ клуби яққурашчилари биринчи, 61 очкога эга пойтахт «Азамат Карим» клуби аъзолари иккинчи ўринни эгаллашди. Учинчи ўрин Қашқадарё вилояти каратэчиларига насиб этди.

Энди каратэчиларимиз аънавий Наврўз мусобақаларига қизгин тайёргарлик кўришмоқда.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

НАЗМ

АЁЛ

Жумла олам меҳрини бағрига сиғдиргай аёл,
Кундузи офтоб мисол тун кўйида ёғур хиллол
Номуси хусни лафотга беади гўшанини,
Юз очиб гулгун табииат сендан олди рангини.
Тебратиб дунё бешигин бахш этиб унга ҳаёт,
Сен ҳаё покиза ифбат сендадир юксак сабот.
Оила ёстикдошингни иззатига шай эдинг,
Тоату ибодатингда доимо фарзанд дединг.
Алланинг сеҳри билан вояга етти зотлар,
Саҳжа айлар ҳоқи пойинга буюк ажодлар.
Сен Тўмарис, Барчиной овоз Ватанинг тўғуси,
Ақлу идрокинг ила кетгай юраклар қайғуси.
Топганингни ҳар қачон дўстлар билан қўлдинг баҳам,
Эгмадинг бошингни номаргда қилиб келганд ҳам.
Меҳрибон она заминдек ҳокисор тутдинг ўзинг,
Иш билан сўз бирлиги қилгай мудом ёғур юзинг.
Онани доим муқаддас деб билур ўзбек эли,
Асримиз доим муқаддас деб билур ўзбек эли,
Иш юрғит доно билан ҳар дам ақлини пеша қил,
Англисан аҳли закони ҳурматин андиша қил.
Юрт учун ёниб яша, қилгин ани эъзозини,
Не юмуш қилмоқчи бўлсанг аввал ол, эл розини.

ЭЗГУЛИК

Юрт таянчи, ишончи доною камроним болам,
Фурсату илму ҳунарга келди имконинг болам.
Тинчлик тенглик макони Ўзбекистон халқи хур,
Хилпирар кўк юзида байроқ ила дилда гурур.
Ўрганур адлу адолат пешқадам ворислари,
Шаҳд этар мақсад сари гар бўлса ҳам олислари,
Бекасам тўн, шохи белбоғ кўрқидир атлас либос,
Этиқоду баркамоллик асли ўзбекларга хос.
Эзгуликнинг ишқиди дунё кезар қарвонлари,
Маърифат даргаларин кутгай ўфқ довлари.
Авалло дарёи илмга керак қўймоқ қадим,
Дарёи илм аҳлига қодир худо бўлгай ҳақам.
Доимо қудди зафар зарби билан Султон Темур,
Илму нужумга асос солди Улугбекдек амир.
Ал-Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Синодек зотлар,
Мир Алишер, Мирза Бобур бирла улуг ажодлар,
Яссавий, Ал Мотуридий оламага машхур отлари,
Соҳиб илму ҳадис Ал-Бухорий ҳазратлари.
Бил ўқув идрокларинг Гулжаҳон бўлгай чирок,
Ҳам билим шуурингдан йўли ёришаг яхшироқ.
Гулжаҳон АБДУРАҲМОНОВА

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Кўзингиз нурини сақланг

Кўз яхши кўриши учун етарли микдорда витаминлар истеъмол қилиниши лозим. Биз истеъмол қилаётган озиқ-овқатларда худди ана шундай зарур бўлган бир қатор витаминлар мавжуд.

- А витаминига бой бўлган маҳсулотлар: қизил сабзи, помидор, картошка, барча япроқли сабзавотлар, қўқатлар, балиқ жигари ва кунгабобар мойи.
- С витамини етишмовчилига эса: қарам, бўлғор қалампир, шитруслар, барча мевалар, япроқли сабзавотлар, пийёз, ясмолак, олма, ананас.
- В витаминлари кўзингиз асаб тўқималарини тўйинтиради. Кўзда нерв тўқималари кўп ва шу боис у етарли даражада В1 витамини билан таъминланиши лозим. У етишмаганда кишида асаб бузилиши пайдо бўлади. Бу витаминга бой маҳсулотлар: ёнғоқ, маккажўҳори, бўғдой маҳсулотлари, гуруч, асал.
- В2 — (рибофлавин) тана ҳужайраларига кислород қабул қилишга қўмаклашади. Унинг ёрдамида крахмал ва қанд мушак фалояти учун қувватга айланади. Агар ушбу витамин етишмаса кўз ва қовоқлар ачишади. Ушбу витаминлар: япроқли сабзавотлар, олма, гуруч ва дон маҳсулотларида бўлади.
- В6. У етишмаганда кўзда кучли зўриқиш сезилади. Бу витамин табиий дори. Қарам, бўғдой маҳсулотлари, маккажўҳори, тухум сариги, барча хил балиқларда бўлади.
- В12. Унинг организмга етишмовчилиги қонни камайтиради ва табиийки, кўриш қобилияти пасаяди. Узум, тоза узум шарбати, тухум сариги, хурмо, петрушча, олмури, ўриклар шу витаминга бой.

Кўриш қобилиятини яхшилаш учун қизил сабздан ташқари, қарам жуда фойдали. Бундан ташқари олма сиркаси ва тозаланган ўсимлик мойи қўшилган сабзавотлардан тайёрланган салат истеъмол қилинса фойдали бўлади.

Азиза МУҲАМЕДОВА тайёрлади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларини, шунингдек таъзияларни, таваллуд қунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қўтловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва яшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМIZ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

Тошкент вилояти, Бўстонлик туманида 22-ўрта мактаб томонидан Шавкат Шарофидинов Имомов номига 1997 йилда мактабни битирганлиги ҳақидаги О'Р — Д№ 079034-рақами таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Тошқўқимачи» ҳисдорлик жамиятининг тиббиёт-санитария қисми жамоаси дорихона мудири А. М. Бойназаровга онаси Мафҳуса БОЙНАЗАРОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Мирзамир МИРЗАШОПОВ, доришунос.

БУ АЖИБ ДУНЁ

Шунақаси ҳам бўлади

Магнитогорск — Картали йўналиши бўйича қатнайдиган электричка томига 26 ёшли ширақайф йигитнинг бирдан чиққиси келиб қолди. Чикди ҳам. Аммо электричканинг дугаси уланган жойга келганда бечорани 27 минг вольтли ток шундай урдиди, у анча нарига учиб тушди. Йигитнинг бадани 20 фоиз куйган эди. Уни дарҳол касалхонага ётқизишди.

Аммо шифокорлар унинг тирик қолганига ҳайронлар. Чунки Америкада ўлимга маҳкум этилган жиноятчини электр стулдан ўлдириб учун йигитчани урган токка қараганда тўрт баробар кам ток етарли экан.

Анъанавий биринчилик

Токиода бакироқларнинг анъанавий биринчилиги бўлиб ўтди. Унда 19 нафар рақиб беллашди. Мусобақа шарти оддий — ким қули бакириш.

Ҳоли Тацуру Мурано бўлди. Унга соврин билан бирга 100 минг иен ҳам берилди.

Бриллиант кўз

Жуда катта миллионер 83 ёшли япониялик Покази Ояма ажойиб операцияни бошидан кечирди. Ҳозирда у бриллиант кўзининг бахтли соҳибига ҳисобланади.

Токио офтальмология институтини профессори Хокио Кожу ушбу операцияни ўзи бажарди ва бу ҳақда шундай дейди. — Бизнинг беморимизда катаракта, яъни гавҳарни алмаштириш операцияси бўлиб ўтди. Шунда биз беморга тажрибадан келиб чиқиб унинг кўзига гавҳар ўрнида тоза бриллиантдан фойдаланишни маслаҳат бердик. У рози бўлгандан кейин ҳажми 15 карат келадиган бриллиант ўрнатдик. Гап шундаки, олмослар инсон организмиде ноҳуш ўзгаришлар келтириб чиқармайди.

Олмос атрофида шаффоф бириктирувчи тўқимали капсула ҳосил бўлади ва у мангу қолади. Ўйлаيمانки, ишларимиз юришиб кетади. Операция баҳоси қиммат бўлса-да, ариза бераётганлар сони кундан кунга кўпайиб бормоқда, — дейди шу институтнинг профессори Хокио Кожу.

Уқувсиз жарроҳлик

Манчестерлик Дебора ҳозир 36 ёшда. Унга учинчи мучал йили оғир келди. Гап шундаки, оёғи оғриб операция қилинишига мажбур бўлди. Бирок дўхтирхонада... «довир» жарроҳлар янгилиши... чақагини операция қилиб юборишди. Бемор нарқоздан сўнг ўзига келиб қараса, чақаги ишламаяпти. Устига устак тишлари ҳам йўқ. Бу ҳам етмагандек операция қилинган жойга инфекция туширигани-чи? Ахир икки кундан кейинроқ беморнинг милклари йиринглай бошлади-да. Нима қилиш керак? Бу уқувсиз жарроҳларга қандай чора кўриш лозим? Дебора Райнолда ўйлаб ўтирмай уларни судга берди ва 26 минг фунт ундириб олди. Қолаверса, бошқа шифохонада ётиш ҳаражатларини ҳам жарроҳлар бўйнига юқлади.

Ҳаёт дарахти

Катта ва Кичик Багама оролларида ўсадиган «Ҳаёт дарахти» деб ата-лувчи дарахт ҳақиқатан ҳам яшовчанлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Унинг ерга тикилган ҳар бир новдаси, албатта, кўкариб, катта дарахт бўлиб етишади. Новадаси нatto сувсиз саҳрога ёки нурсиз зулматга суқилса-да, кўкараверади.

Ҳакамлар рўйхати тасдиқланди

Учинчи мавсум уйинларининг биринчи тури ҳам ортада қолди. Чемпионат уйинларининг сифатли ўтишини таъминлаш мақсадида олий лигада чемпионат уйинларини бошқариб борадиган бош ва назоратчи ҳакамлар рўйхати Ўзбекистон футбол федерацияси томони

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

дан ўтган ойда эълон қилинганди. Унга кўра олий лига уйинларини 20 нафар бош ҳакам, 18 нафар назоратчи ҳакамлар бошқарадиган бўлиши.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

Энг катта океан Тинч океани ҳисобланади. Келиб қуйилувчи денгизларини ҳисобламаганда умумий майдони 166 241000 квадрат километрга тенг. Бу ер юзидеги жами океанлар майдонининг 45,9 фоизи демак-дир. Уртача чуқурлиги — 4188 метр.

Энг катта денгиз сифатида Жанубий Хитой денгизи тан олинди. Унинг майдони —2974000 квадрат километр.

Энг катта чўл Африка қитъасининг шимолӣ қисмини эгаллаган Саҳро каби ҳисобланади. Унинг майдони 8400000 квадрат километр бўлиб, бу умумий куруқлик майдонининг салкам саккиздан бирига тенг демак-дир.

Энг узок мuddатга чўзилувчи ёмғирлар Гаваанинг Кауаи оролидаги Вай Але тоғида қузаилади. Бу ерда йилнинг 350 кун давомида ёғингарчилик тинмайди. Дилдора ТУРАЕВА

БАҲОРИЙ НЕЪМАТЛАР

ЖАҒ-ЖАҒ

кон оқишини тўхтатувчи дори сифатида кенг қўламда ишлатилган эди. Шу ўсимлик ўрнига кейинчалик жағ-жағ ишлатилган. Жағ-жағ эндиликда бутун дунёга тарқалган. Бунга сабаб майда уруғи жуда кўп бўлади. Бир донга ўсимлик вегетация даврида халтасидан 64 минг уруғ беради ва шамолда тез тарқалади. Хитойда жағ-жағ 100 йилдан буён сабзавот сифатида экилиб келинади. Хиндистонда бу ўсимлик қушига қарши тавсия этилади. Қадимги Юнонистон ва Римда унинг уруғи турли хасталиқларга даво сифатида ишлатилган. Ватанимиз халқ табибатида ва илмий тиббиётда қон оқишди тўхтатувчи восита сифатида қўлланилмоқда. Дўлмаси ва суялтирил-

ДАМЛАМАСИ ВА ЭКСТРАКТИ

қон босимини тушириш хусусияти бор. Дамлама куйидагича тайёрланади: икки-уч қошиқ янги қуритилган ўсимлик олиниб, устига қайноқ сув (200 гр. қуйилиб) бир соат дамланади. Кейин кунига 3-4 марта 30-40 граммдан ичилади. Экстракти тайёр ҳолда дорихоналарда бўлади. Майдаланган ҳолда ер устки қисми ҳам махсус кутичаларда жойлардаги дорихоналарга юборилади. Шунга айтиш керакки, ўпқадан, меъдадан, ичакдан, буйракдан, ярадан қон оқишларини тўхтатиш учун бошқа тур гивёлар билан бирга ишлатилса, шифобахшлиги ортади. Масалан, буйракда қон оқишини тўхтатишда унга қирқ бўғим ўсимлиги қўшилса, нафли бўлади. Бурундан қон кетганда бурун ҳам томизилади. Шунингдек, жағ-жағ обзон қилишда, турли яраларни ювишда қўлланилади. Мирзамир МИРЗАШОПОВ, доришунос.

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Газета «Тошкент оқшомини» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.